

# Росулуллоҳнинг шер тўғрисида айтган гаплари ҳақида келган боб.

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي صَفَةِ كَلَامِ رَسُولِ اللَّهِ فِي الشِّعْرِ﴾

صلی اللہ علیہ وسلم

[ Ўзбекча – Uzbeking – ]  
الإوزبکي

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿باب ما جاء في صفة كلام رسول الله في الشعر﴾

صلى الله عليه وسلم

«باللغة الأوزبكية»

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلوة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله وصحبه أجمعين. أما بعد:

**Бу “шамоили муҳаммадия”дан ўн тўққизинчи дарсимиз бўлиб бу дарсда битта бобда келган ҳадисларни ўқиб ўрганамиз иншааллоҳ!**

37- باب ما جاء في صفة كلام رسول الله في الشعر وفيه 11 حديثا.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шеър айтишлари ҳақидаги боб. Бу бобда ўн бирта ҳадис ривоят қилинади. Аввалом бор шуни эслатиб ўтиш керакки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам араб қабилаларининг ичига шеърият бобида энг моҳир шоирлар қабиласига мансуб бўлишларига қарамай, шеър ёзишни асло билмасдилар. Чунки Оллоҳ таоло у зотнинг ҳаққиларида шундай марҳамат қиласди:

وَمَا عَلِمْنَاهُ الشِّعْرُ وَمَا يَنْبَغِي لَهُ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ وَقُرْآنٌ مُبِينٌ

69—70. (Муҳаммадга) шеър ўргатмадик ва (шоирлик) унинг учун дуруст эмасдир.

**И з о ҳ:** Зотан Муҳаммаð алайҳис-салом модомики Оллоҳ таоло томонидан юборилган пайҳамбар эканлар, демак фақат ва фақат рост сўзламоқлари лозим. Шеърият эса ўз кўтаринкилиги, муболагалари билан (яъни ўз табиати билан тўла маънодаги) ростгўйликни кўтара олмайди. Бильъакс шоирларнинг эътирофларича ҳам шеърнинг энг ширини энг ёлғонидир. Бинобарин, ўз умматларига бир умр амал қилиб ўтишадиган дин арконларини ўргатадиган ва гайб олами, охират диёри ҳақида хабар берадиган пайғамбар шоир бўлиши дуруст эмасдир. Аммо бу сўзлардан шеър ёзиши дуруст эмаслиги келиб чиқмайди, балки ислом равнақи ва қалбларни юмишатиш учун айтилган шеърлар гоят бебагодидир ва ажр-мукофотсиз қолмас.

241 - حدثنا علي بن حجر حدثنا شريك عن المقدام بن شريح عن أبيه عن عائشة رضي الله عنها قالت قيل لها هل كان النبي يتمثل بشيء من الشعر قالت كان يتمثل بشعر ابن رواحة ويتمثل ويقول ويأتيك بالأخبار من لم تزود

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, у зотга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шеър айтганмидилар?- дейилади. Шунда у онамиз Пайғамбар

саллаллоҳу алайҳи васаллам ибн Равоҳанинг шеръларини ёдга олиб айтадиларки: Сенга хабар келтуур үл одамийки! сен унга бермаган эдинг! бунда ёрдаминг.

**Изоҳ:** *Демак у зот бошқа шоирлар тўқиган шеърларни айтар эканлар. Гарчи ўзлари шеър тўқшиига қодир бўлмасалар ҳам, модомики бу шеърларда ислом учун нусрат бўлар экан.*

242 – حدثنا محمد بن بشار حدثنا عبد الرحمن بن مهدي قال حدثنا سفيان الثوري عن عبد الملك بن عمير ثنا أبو سلمة عن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله إن أصدق كلمة قاتلها الشاعر كلمة لبيد لا كل شيء ما خلا الله باطل وكاد أميه ابن أبي الصلت أن يسلم

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: Шоирлар айтган сўзларнинг энг гўзали шоир Лабиднинг шеъридир. У айтадики: Эй огоҳ бўлинг! Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса ботилдир!. Ва шоир Уммая ибн аби ал-Солт ҳам исломга киришига андаккина қолган эди.

**Изоҳ:** *Мулла علي қори айтадиларки: لابيد پایگامبَار ساللallohу alayhi wasallamning ҳузурларига ўзининг қавми тарафидан элчи бўлиб келган эди. Сўнг Куфа шаҳрига бориб ўша ўлкада ҳаётининг охиригача истиқомат қилди. Шоир жоҳиция даврида ҳам, исломни қабул қилгандан сўнг ҳам, ҳурмат-эътиборли, шеър ёзишида моҳир шоир сифатида саналган. Лекин қуръонни эшиитгандан кейин, шеър ёзишидан тийилиб, менга қуръон кифоядир! -деган экан.*

243 – حدثنا محمد بن المنى قال أبنتنا محمد بن جعفر حدثنا شعبة عن الأسود بن قيس عن جندب بن سفيان البجلي قال أصاب حجر إصبع رسول الله فدميت فقال ... هل أنت إلا إصبع دمي ... وفي سبيل الله ما لقيت ...

Жундуб ибн Суфён ал-Бажалий айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир бармоқларига тош тегиб кетиб, қон оқди. Шунда у зот, Эй қонаган бармоқ! Сенга келган бу бало! Оллоҳ йўлидадир! –деб. Бир шоирнинг шеърини ўқиган эканлар.

**Изоҳ:** *Бу жароҳатланган бармоқлари оёқ бармоқлари эди.- дейди баъзи уламолар.*

244 – حدثنا ابن أبي عمر حدثنا سفيان بن عبيدة عن الأسود بن قيس عن جندب بن عبد الله البجلي نحوه

Имоми Термизийга Жундуб ибн ал-Бажалийдан ибн аби Умар ҳам шу ҳадисни ривоят қилган эканлар.

245 - حدثنا محمد بن بشار حدثنا يحيى بن سعيد حدثنا سفيان الثوري حد ثنا أبو إسحاق عن البراء بن عازب قال له رجل أفرر تم عن رسول الله يا أبا عمارة فقال لا والله ما ولني رسول الله ولكن ولني سرعان الناس تلقتهم هوزان بالنبل ورسول الله على بغلته وأبو سفيان بن الحارث بن عبد المطلب آخذ بلجامها رسول الله يقول ... أنا النبي لا كذب ... أنا ابن عبد المطلب ...

Ал-Баро ибн Озибдан ривоят қилинади айтадиларки: Бир киши у зотга айтган эканки: Эй Або Умора! сизлар ҳунайн ғазоти куни Пайғамбар алайҳиссаломни ташлаб қочиб кетганимидинглар? Шунда у зот айтдиларки: Йўқ! Оллоҳга қасам ундаи қилмаганмиз. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қочмадилар. Лекин одамларнинг енгилтакларигина майдонни ташлаб қочдилар. Ҳавозин қабиласи уларни ўққа тутган эди. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса ҳашир эшакларини минган ҳолда эдилар. Суфён ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмутталиб эшакнинг юганидан ушлаб олган эди. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса мен ҳақ пайғамбардирман! Ёлғончи эмасман! Абдулмутталибининг ўғлидирман!-деб турадилар.

**Изоҳ:** Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай довюрак эдиларки, жсанг майдонида ёлгиз ўзлари қолсалар ҳам, ортга қочмаган эдилар. Бу эса у зотнинг чинакам пайғамбар эканликларига яна бир бор далилdir. Саҳобалардан ривоят қилиншича айтадиларки: Агар жсанг авжига чиқиб, уруши қизгин бўлиб, хавф-хатар кучайса, бизлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларига чекиниб уруши қилар эдик. У зот эса уруши майдонига шахтам кириб борар эдилар.

246 - حدثنا إسحاق بن منصور ثنا عبد الرزاق حدثنا جعفر بن سليمان أثبتنا ثابت عن أنس أن النبي دخل مكة في عمرة القضاء وابن رواحة يمشي بين يديه وهو يقول ... خلوا بني الكفار عن سبيله ... اليوم نضربكم على ترتيله ... ضربا يزيل اهام عن مقيمه ... ويدهل الخليل عن خليله ... فقال له عمر يا ابن رواحة بين يدي رسول الله وفي حرم الله تقول الشعر فقال النبي خل عنه يا عمر فلهي أسرع فيهم من نضح النبل

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага умранинг қазосини ўташ учун кирғанларида, ибн Равоҳа у зотнинг олдиларига тушиб, шундай –дер! эди: Эй! Коғирлар авлодлари! Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тўсмангиз! асло агар тўқинлик қилсаларингиз, сизларга шундай уруш қиламизки! бошларингни танангиздан жудо қиламиз! дўстни дўстдан ажратамиз!. Шунда Умар розияллоҳу анҳу айтадиларки: Эй! ибн Равоҳа Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида, Оллоҳнинг ҳарам ерида шеър айтасанми? Пайғамбар саллаллоҳу

алайҳи васаллам айтдиларки: Қўй эй! Умар, чунки шеър уларга камонларнинг ўқидан ҳам қаттиқроқ ботади.

247 - حدثنا علي بن حجر أبنينا شريك عن سماك بن حرب عن جابر بن سمرة قال جالست رسول الله أكثر من مائة مرة و كان أصحابه يتناشدون الشعر ويتذاكرؤن أشياء من أمر الجاهلية وهو ساكت وربما تبسم

معهم

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юз мартадан ортиқ ўлтирганман, асҳоб киромлар у зотнинг ҳузурларида шеърлар айтишиб, жоҳилия даврида бўлиб ўтган қизиқ ҳодиса ва воқеаларни зикр қилишар эди, у зот эса уларнинг сўзларига қулоқ тутиб, гоҳо табассум ҳам қилиб қўяр эдилар.

**Изоҳ:** Дастлаб айтиб ўтганимиздек шариатимиз мусулмонларни фақат жиоддийликка буюриб, уларни ўзаро ҳазил-мутойибалар қилишдан қайтармайди, балки вақти-вақти билан кўнгил очди суҳбатлар қуришиларига рухсат беради, ва бўлиб ўтган воқеаларни эслаб гаплашишиларидан ҳам манъ қилмайди. Чунки бу нарсалардан инсон беҳожат бўла олмайди. Саҳобалар уйлари тор, кўпинча бир хонадан иборат бўларди. Агар меҳмон келгудай бўлса, кўча эшиклари олдидағи суппада ўлтиришарди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уларни бу ўлтиришдан қайтаргандаридан , улар ё Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам суҳбатлаши учун манашуندай мажлис қурмоқдан ўзга чорамиз йўқ!-дэйишди. Яъни саҳобалар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтарувларидан бўлган мақсадни тўғри тушуниб етганликлари сабабли у зотдан бу борада бошқа йўл-йўриқ қўрсатишларини илтижо қилгандек бўлдилар. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уларга суҳбат мажлисининг одобларини ўргатиб қўйдилар. Уламолар бу мажлис диний суҳбат учун бўлмаган эди. Балки шунчаки ўзаро бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, мароқли қиссаларга қулоқ тутиши учун эди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам буни жуда яхши билар эдилар. Демак бу суҳбатдан мутлоқ қайтармасликлари манашундай мажлислар қуриши жсоизлигига яққол далилдир. Динимизда гулув-чуқур кетиши ё ўта енгилтаклик қилиши йўқ! Балки ислом дини инсониятни ҳамма манфаатларини кўзлаб, назаридан асло чет қолдирмайдиган диндир!

248 - حدثنا علي بن حجر أبنينا شريك عن عبد الملك بن عمير عن أبي سلمة عن أبي هريرة عن النبي قال  
أشعر كلمة تكلمت بها العرب كلمة ليبد ألا كل شيء ما خلا الله باطل

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам арабларнинг Энг чиройли шеъри шоир Лабид айтган шеърдир. У Эй огоҳ бўлинг! Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса ботил ва эътиборга арзимасдир.-деган эди.

249 - حدثنا أَهْدَى بْنُ مَنْعِي ثَنَا مُرْوَانُ بْنُ مَعَاوِيَةَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الطَّائِفِ عَنْ عُمَرِ بْنِ الشَّرِيدِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ كُنْتُ رَدْفَ رَسُولَ اللَّهِ فَأَنْشَدْتَهُ مَائَةً قَافِيَّةً مِنْ قَوْلِ أُمَيَّةَ بْنِ أَبِي الصَّلَتِ الشَّقْفِيِّ كَلَمَا أَنْشَدْتَهُ بَيْتًا قَالَ لِي النَّبِيُّ هَيْهُ حَتَّى أَنْشَدْتَهُ مَائَةً يَعْنِي بِيَتًا فَقَالَ النَّبِيُّ إِنْ كَادَ لِي سُلْمَ

Амр ибн ал-Шарид оталаридан ривоят қиласылар, оталари айтадиларки: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам билан бирга маркабга мингашып олган әдим, у зотта Умая ибн аби ал-Солтнинг шеърларидан ўқиб бердим, қачон бир шеърни айтсам, яна келтир! –дер. әдилар. Ҳатто шу тарзда юздан ортиқ байт ўқидим. У зот айтадиларки: Уни исломга киришигана озгина қолган әди.

**Изоҳ:** Уламолар айтишиларича Умайя ибн аби ал-Солт жоҳилия даврида яшаган, ислом зоҳир бўлишидан озгина олдин вафот этган, буюк шоир ва ақлли ҳақпарвар инсон бўлган экан. Шунинг учун унинг шеърларида адолатпарварлик, инсонийлик гоялари акс олган. Лекин Оллоҳ таолонинг азалий иродасида уни мусулмон бўлиши битилмаган экан. Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам бошқа ривоятларда у ҳақда шеъри мусулмон бўлиб, ўзи ислом аҳлидан бўлмади.- деган. әдилар.

250 - حدثنا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُوسَى الْفَزَارِيُّ وَعَلِيُّ بْنُ حَجْرٍ وَالْمَعْنِيُّ وَاحِدٌ قَالَا أَنْبَثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزَّنَادِ عَنْ هَشَامِ بْنِ عَرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ يَضْعِفُ لَحْسَانَ بْنَ ثَابَتَ مِنْهُ أَفِي الْمَسْجِدِ يَقُولُ عَلَيْهِ قَائِمًا يَفْخَرُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ أَوْ قَالَ يَنْفَعُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ وَيَقُولُ رَسُولُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُؤْيِدُ حَسَانَ بِرْوَحِ الْقَدْسِ مَا يَنْفَعُ أَوْ يَفْخَرُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ

Оиша онамиздан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам Ҳассон ибн Собитга масжидда минбар қўйиб берардилар, Ҳассон минбарга чиқиб, Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламнинг қадрларини кўтарувчи мадхия шеърларни ўқиб, у зотни кофирларнинг таъналаридан ҳимоя қиласар әдилар. Росулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам эса, Оллоҳ таоло Ҳассонни Жаброил алайҳиссалом ила мададлаб туради, модомики Ҳассон Оллоҳнинг Росулини ҳимоя этар экан. -деб турадилар.

251 - حدثنا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُوسَى وَعَلِيُّ بْنُ حَجْرٍ ثَنَا أَبِي الزَّنَادِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ مُثْلَهُ

Бу ҳадис ҳам аввалги ҳадиснинг айнан ўзидир. Шу ерда дарсимиизга якун ясад Өллоҳ таолодан Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламнинг қадр-қимматларини тушунишни истамаган ноинсоф, жафокаш инсонларнинг азиятларидан асрашини сўраб, бизларни ҳам у зотнинг иззат-шарафларини ҳимоя қилиш йўлида фидоийлардан қилишини тилаб қоламиз.

وصلی اللہ علی نبینا محمد وعلی آلہ وصحبہ أجمعین وسلم.